№3 (333)

2003 йил 22 январь

Чоршанба

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ:

ХАР КИМ САВОБ ИШ КИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ КИЛСИН!

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чика бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

22-кун

...Йил 12 ойдан иборат. Кунлар ҳисобида эса бор-йўғи 365 кун. Биз шундай саноқлардагина Обод маҳалла йилининг ўтгувчи эканлигини аниқроқ ҳис қиламиз. Демак, Юртбошимиз томонидан маҳаллалар ҳаёти учун алоҳида эътибор билан қаралган йил - маҳалла имкониятлари йили ҳам ўтади. Бугун унинг 22-куни.

Бу сарҳисоб учун арзирли катта муддат эмасдек туюлади. Аммо ўз-ўзини хотиржам қилиш учун йилнинг сўнгги куни ҳам ҳали эрта, кўнгли яратувчилик ҳисси билан тўлган маҳалладошимиз учун эса йилнинг ушбу ўтган муддати ҳам сарҳисоб даври. Демак, маҳалла ҳаёти учун имкониятлар йили (биз буни шундай деб атасак, ўтаётган вақт қадрини янада яхшироқ ҳис қилгандек бўламиз)нинг ҳар бир дақиқаси биздан - маҳалла фидойиси, фаоли ва масъулидан ҳисоб сўрайди: Ўтаётган кунда маҳалла учун нима қила олдинг, - дея савол қўяди. Шундай савол масъулияти билан газетамизнинг ҳар ҳафталик янги сонида Сизнинг янада эътиборлироқ бўлишингизни, ўз-ўзингизга ҳисоб беришингизни истаймиз.

Худди шу савол масъулияти газета таҳририятини ҳам безовта қилиб туради: Биз ўз саҳифаларимиз билан бунга қандай ҳисса қўшдик, деган тарзда. Шу боисдан газетамизнинг ҳар бир сони 2003 йил - Обод маҳалла йилининг ўтган даврида юртдошларимиз амалга оширган ишларнинг ҳисоботини ёритувчи вазифасини бажаради. Зотан «Mahalla»нинг барча саҳифаларида юртдошларимизнинг маҳалла ободлиги йўлидаги фаолияти, режалари ёритилади.

Шундай қилиб, бугун Обод маҳалла йилининг 22-куни, 21 кун ортда қолди. Нималарга улгурдик - бу ҳақда саҳифаларимиздан ўқинг, қандай юмушлар режаланди - булар хусусида ҳам энг кўп бизда ўқийсиз, қай манзилда оқсаяпмиз - булар тўғрисида ҳам жим турмаймиз.

ТАҲРИРИЯТ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### О.Р.Хасановни Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ойбек Рустамович Хасанов Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 21 январ

***Даҳана маҳалласи Тошкент вилояти Ғазалкент туманининг обод манзилларидан бири. Маҳаллада истиқомат қилувчи олти минг нафар аҳоли орасида Усмонали ота ва Ўлмасхон ая Миралиевлар сингари қўша қариган, фарзандлари ардоғида, маҳалладошлари ҳурматида умргузаронлик қилаётган инсонлар анчагина.***

***- Бу оила аҳли ҳар жиҳатдан маҳалладошларимизга ибрат бўлгулик, - дейди ифтихор билан 40 йиллик умрини ўқитувчилик касбига фидо этган инсон, ҳозирда Даҳана маҳалласи оқсоқоли сифатида ҳам намунали фаолият кўрсатаётган Ҳуррият ая Маҳмудова. - Чунки бу оила соҳиблари эл хизматига фидойи бўлиб обрў-ҳурмат топган инсонлар.***

**Оқсоқол куюниб ёзади**

## МУАММОЛАР ЕЧИМИ ФАҚАТ БИЗГА БОҒЛИҚ ЭМАС-ДА...

Маҳаллаларимиз ҳаётидаги кўплаб муаммоларни кишиларимиз билан ҳамжиҳатликда ҳал этганмиз. Аммо, шундай чигалликлар борки, бевосита мутасадди ташкилотларнинг аралашуви лозим бўлади. Масалан, кейинги йилларда аҳоли учун янги уй-жойлар барпо этилган ҳудудларда транспорт қатнови йўлга қўйилди. Бироқ, йўллар ҳадеганда созланавермади. Мана, 13 йилдан ошиқ вақт ўтди, кўчалар ёзда чанг, қишда лой. Шу вақт давомида бир неча бора туман ҳокимлигига ариза кўтариб бордик, ҳатто мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан учрашдик. Ҳар гал ваъда бериладию, лекин фойдаси йўқ...

Яна бир муаммо олдимизда кўндаланг турибди. Маҳалламиз болалари салкам 2 километрча узоқдаги 41-мактабга қатнаб ўқишади. Бу ҳол ёмғирли-қорли кунларда анчагина қийинчиликлар туғдиради. Маҳалла ҳудудида мактаб қуриш ҳақидаги фикр обдон пишганидан сўнг яна ҳокимликка ариза билан чиқдик. Туман ҳокими ҳамда халқ таълими бўлими мутасаддиларининг қўллаб-қувватлаши туфайли кичикроқ бўлса-да 51-мактаб биноси ҳашар йўли билан қуриб битказилди. Бу яхшикуя, бироқ, мактабда ўқувчилар учун барча шарт-шароит яратилиши ҳам керак-да. Масалан, спортга эътибор кучаяётган бугунги кунда мактабимизда стадион йўқ. Аслида спорт ўйинлари учун махсус жой ажратилса кифоя, стадионни ҳашар йўли билан қураверамиз.

Бироқ, шу жой учун ҳам ҳокимликнинг махсус қарори керак экан... Ўз ечимини тополмаётган муаммоларимиз хусусида кимдан кўмак сўрасак экан? Шу боис дардимизни «Mahalla»га баён этишга мажбур бўлдик. Ахир, газета - катта куч. Кимдир бизга бу борада йўл-йўриқ кўрсатар...

**Т.ХАЛИЛОВ,**
**Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги Янги Найнаво маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Кўпчиликнинг фикри қандай?

## МЕН, ОИЛАМ ВА МАҲАЛЛАМ!

Ҳар биримиз маҳаллада кўпчиликка суяниб, маҳалла-қўйининг ёзилмаган тартиб-қоидалари, урф-одатларига амал қилиб яшаймиз. Бу тартиб-қоидалар мураккаблигимиздан онгимизга сингиб кетган, чунки ота-оналаримиз, ота-боболаримиз шундай яшаганлар, яшамоқдалар. Айниқса, кейинги йилларда ҳар биримиз ўз маҳалламиз манфаати йўлида бирлашишга ўрганмоқдамиз. Ўз навбатида маҳалламизнинг ҳар биримизнинг ҳаётимизда тутган ўрни тобора яққол сезилмоқда. Буни умумий тарзда эмас, ҳар бир фуқаронинг шахсий, ижтимоий ҳаётида айнан маҳалланинг тутган ўрнини бирма-бир аниқ ва яққол ифодалаш ҳам мумкин. Хўш, ўтган йиллар давомида одамларимиз маҳалла билан қай даражада муносабатда бўлди. Маҳалла бизнинг ҳаётимизга қай даражада кириб борди? Ёки биз маҳалла ҳаётига қай даражада яқин ёки узоқ бўляпмиз.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази бир неча йилдан бери айнан шу йўналишда ишлаб, маҳалланинг ҳар бир шахс ҳаётидаги ўрнини ўрганмоқда.

Бугуннинг гапи

# СОХТА МАҲСУЛОТ КИМГА КЕРАК?



### Ёки бозорларимизни сифатсиз маҳсулотлар билан тўлдираётганларнинг мақсади нима?

**Тараққиёт ва ислоҳот - эгизак тушунчалар. Ҳар қандай давлатнинг жадал ривожи унда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қанчалик самарали бўлаётгани билан белгиланади. Кейинги йилларда юртимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятини соҳа кишиси бўлмаган оддий фуқаронинг англаши, улардан кўзланган асосий мақсадни тушуниши қийин кечаётганини тан олишимиз керак. Бунга биринчидан, иқтисодий билимларимизнинг етарли эмаслиги, иккинчидан, иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани учун уларнинг самараси ҳам бирданига эмас, маълум вақт ва муддат ўтгандан сўнг кўзга ташланаётгани сабаб бўлмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори асосан қинғир йўллар билан мамлакатимизга кириб келаётган ва аксарият ҳолларда инсон ҳаётига хавф соладиган сифатсиз истеъмол ва хўжалик маҳсулотларидан фуқароларимизни муҳофаза этиш ва маҳаллий хомашёдан тайёрланган маҳсулотлар салмоғини ошириш орқали хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, солиқ тўловидан қочиш ҳолатларининг олдини олиш каби масалаларга қаратилган эди. Бу шу кунгача фаолият кўрсатаётган бозорларимиз ва бошқа савдо шохобчаларини мазкур қарор талабларига мослаштиришни тақозо этади.

Шу кунларда шаҳримиздаги айрим бозорлар ана шундай тартибнинг жорий қилиниши сабабли имконият даражасида хизмат кўрсатмаяпти. Хўш, бу нимани билдиради? Бунга жавоб бериш учун фаолият кўрсатиб турган энг йирик бозорларимиздан бири - Чорсу бозорида бўлдик. Одатдагидек кийим-кечак расталари асосан Хитойнинг кооператив корхоналарида ишлаб чиқарилган, юртимизга Қирғизистон ва Қозоғистон орқали олиб келинган маҳсулотларга тўла. Уларни чегарадан эгри йўллар орқали олиб келганлар ҳам, уни олиб ўтишга кўмак берганлар ҳам ва бу сифатсиз, сохта маҳсулотларнинг мақтовини жойига келтириб сотаётганлар ҳам бизнинг маҳалладошларимиз. Кимдир ўз маҳалладошига сифатсиз пойабзални чет элники деб алдаб сотади, ўзи эса иккинчи бир маҳалладошидан алданиб сифатсиз кўйлакни харид қилади. Хўш, бундай манзара бошқа бозорларимизда такрорланмаяпти, деб ким кафолат бера олади? Шу ўринда бизга қўшни бу икки давлатнинг ўзаро имзоланган шартнома шартларини бузаётганлиги, халқаро қонун-қоидаларига зид равишда юртимизга контрабанда маҳсулотларининг кириб келишида ҳудудий воситачилик қилаётгани жуда ташвишли ҳол.

Хуллас, Чорсу бозорида ҳам маҳсулотнинг сифати ва сақланиш муддатига тегишли ҳужжатларни тақдим қилолмаган «тадбиркорлар» кўпчилик экан. Уларнинг айримлари божхона тўловларига оид ҳужжатларни кўрсатиб, «Фалончи солиқ тўлаб қўйганмиз, бу ишларнинг ўзи бўлмаяпти», дейишади.

«Келинг, бизда «тозаси»дан бор» дея харидорни чорлашдан ҳам виждонлари қийналмайди. Ваҳоланки, «тозаси» деганда қалбаки бўлмаган, ҳақиқий ишлаб чиқарувчига тегишли маҳсулот назарда тутилади.

Баъзи буюмларга чет давлатлардаги нуфузли фирмаларнинг ёрлиғи ёпиштирилган. Нархи ҳам нисбатан арзон. Ўйлаб кўрилса, бу маҳсулотни бизнинг бозор у ёқда турсин ҳатто фирма жойлашган мамлакатнинг ўзида ҳам бу нархда харид қилиб бўлмайди. Демак, у қалбаки. Унинг сохталиги ҳисобга олинса, буюм нархи арзон эмас, аксинча қиммат!

Кўплаб сотувчилар «Буюмингиз қаернинг маҳсулоти?» деган саволга бир хил «Қўшма корхонада ишланган» дея жавоб берадилар. Хўш, ўша корхонанинг манзили қайда, маҳсулот қандай матодан тикилган, қандай бўёқда бўялган? Афсуски, бу саволларга маҳсулотни харидорга тавсия қилаётган киши жавоб бера олмайди, албатта. Шу ўринда эътироф этиш керак, бутун дунёда, айниқса ривожланган давлатларда қалбаки маҳсулотларга қарши турли усуллар билан қатъий ва муросасиз курашиб келинмоқда.

Яна бир савол: қалбаки маҳсулотлар қаерда, кимлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда? Маълумотларга кўра, дунё бўйича қалбаки маҳсулотларнинг катта фоизи Хитойда ишлаб чиқарилар экан. Аслида кўп мамлакатларда, хусусан Хитойнинг ўзида ҳам сохта маҳсулотлар савдоси таъқиқланган. Бироқ афсуски, бундай маҳсулотларнинг асосий истеъмолчиси Марказий Осиё минтақаси аҳолиси бўлмоқда. Қалбаки маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ҳам айнан бизнинг сохта тадбиркорларимизнинг улгуржи харидига ишониб фаолият юритадилар, дейишга ҳақлимиз. Чунки уларнинг маҳсулотини бошқа ҳеч ким харид қилмайди.

Дейлик, ўша сохта тадбиркорларимиз олиб-сотишга сарфлаётган сармояларини юртимизнинг ўзида соф хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона очишга сарфласалар-чи? Бунга нималар халақит бераяпти: Озгина қийинчиликни енгишдан чўчишми? Ёки Ватанга, элга ҳалол хизмат қилишдан кўра бугунги мўмай даромадни устун қўйиш туйғусими? Ёки бундай туйғуларни фарқлай олмасликми? Бизнингча, шу каби биларнинг барчаси асосий сабаб бўлаяпти. Бундай қусурлардан халос бўлиш эса фақат ўзимизга боғлиқ.

**Мавлуда ҚОСИМОВА**

**Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари - Ҳ.Зокиров, А.Ҳожиев, Б.Муҳамедовларнинг зийраклиги туфайли навбатдаги контрабанда товарлари ушлаб қолинди.**

## Сизнинг ва оилангизнинг ҳаётида маҳалла қандай рол ўйнайди?

(сўралганлар жавоби фоиз ҳисобида, сўровда қатнашган фуқароларнинг умумий сони 8443 нафар)

| Жавоблар | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 |
|---|---|---|---|---|---|
| Менинг ва оиламнинг ҳаётида маҳалла катта ва муҳим рол ўйнайди | 52,4 | 66,9 | 58,8 | 59,3 | 60,1 |
| Менинг ва оиламнинг ҳаётида маҳалланинг роли катта эмас | 24,8 | 14,8 | 19,3 | 21,8 | 24,1 |
| Менинг ва оиламнинг ҳаётида маҳалла ҳеч қандай рол ўйнамайди | 22,8 | 14,5 | 13,8 | 13,1 | 12,4 |
| Айтишим қийин | - | 3,8 | 8,1 | 5,8 | 3,4 |

2003 йил сўровномаси буни кўрсатади.

**Таҳлиллардан кўриниб турибдики, жавоб берувчилар орасида ҳали «Менинг ва оиламнинг ҳаётида маҳалланинг роли катта эмас», ва ҳатто «...Ҳеч қандай роль ўйнамайди» дегувчилар ҳам бор. Демак, давом этаётган йилнинг масъулияти янада катта бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.**

**2003 йил сўровномаси буни яққол кўрсатади.**

2

* *Бухоролик боғбон бобо...*
* *Ҳунарли хор бўлгани йўқ!*

3

* *«Маҳаллам - муқаддас гўшам!»*
* *Ор-номусни сотиш шунча осонми?*

4

* *Ат-Термизий: «...Амал қилмасанг, билганинг бекор»*
* *«...Гафур ака даврларнинг гули эди...»*

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги

00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Нуроний ҳиммати

## НЕК БОБОНИНГ «ТАБИАТИ»

***Бу нуроний отахоннинг икки қўлини орқасига қилиб, Ромитан шаҳри кўчаларини кезиб юрганда кўп учратганман. Аксарият ҳолларда отахон йўлнинг қоқ ўртасидаги ямяшил арчаларга, чамандек очилган турфа гулларга катта меҳр, эътибор билан қараётганига гувоҳ бўлганман.***

Ҳа, инсонга ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлиш бахти насиб этиши ҳам бир давлат экан. Шу боис ёши саксондан ошиб қолганига қарамай ҳар куни кўча айланиб, кўнгил ҳуморини ёзмаса уйда ўтиролмайди.

Ҳа, гап Ромитан шаҳри кўркамлиги ва ободлигига узоқ йиллар муносиб улуш қўшган, туман коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиқлигидан нафақага чиққан табаррук отахон Нек бобо Шокиров ҳақида кетяпти.

– Ромитан азал-азалдан республикамизда донг таратган туманлардан бўлгани учунми, бу ерга нуфузли раҳбарлар, ҳатто чет эллардан меҳмонлар келиб турарди. Шу боис туманнинг собиқ раҳбари раҳматли Ҳамро Саидов бир куни мени олдиларига чақириб: «Шундай иш юритингларки, кўчаларимизни кезган беморнинг дарди ўтиб, оёққа туриб кетсин», дедилар.

Ўзим ҳам ёшлигимдан гўзаллик шайдоси бўлганим учунми, айни дилимдаги гап айтилганидан қувониб кетдим. Икковлашиб шаҳар кўчаларини яёв кезиб, ободонлаштириш режаларини тузиб чиқдик. Қаердан ариқ ўтказилади, қаерда боғ бўлади, қай йўлларда икки томонлама ҳаракат ташкил этилади, бари-барини хомаки лойиҳага солдик. Кейинроқ Наманган, Фарғона, Тошкент каби шаҳарлардан турли хил гул кўчатлари, арчалар олиб келдик. Ўзиям, қаерда ноёб гул кўчати дарагини эшитсак, югуриб борадиган бўлдик, – дейди отахон завқ билан.

Кўп ерларда қишинёзин атрофга яшиллик бағишлаб тургани учунми арча кўчатлари экишади. Лекин унинг парвариши жуда қийин, нозик, сермашаққат иш. Шунинг учун айрим қўшни туманларда экилган ниҳоллар тутмай, сарғайиб қуриганини кўрганман. Лекин Нек Шокиров бошлиқ жамоа тадбиркорона иш тутди: арча парваришини биладиган, тушунадиган мутахассисларга мурожаат қилди. Айниқса, Тошкент Ботаника боғи олимлари билан бамаслаҳат иш тутиб, аксарият экилган кўчатларнинг барқ уриб яшнашини таъминлади.

Бугун Ромитан шаҳрининг ўртаси гулзор, йўлларидан юрсангиз, обод ва кўркам кўчаларини кезсангиз, ҳақиқатан ҳам дилингиз яйрайди. Отахон ёшлари улғайганига қарамай ҳамон эски ҳамкасблари ва ёшлар даврасида бўлиб, йўл-йўриқ беришдан эринмайдилар. Ариқларда оқаётган зилол сувда, текис, равон кўчаларда отахон меҳнати изларини кўраман.

Меҳр-инсон табиатига хос нарса. Лекин Нек бобо Шокировга ўхшаб, табиатга, яшиллик оламига меҳр қўйганлар қарисалар ҳам кўнгилларида баҳор йил бўйи яп-роқ ёзаверади. Қиш бўлса-да ҳамон баҳорий қиёфада яшнаб турган кўчаларга боқиб ана шуларни хаёлимдан кечирдим ва Нек бобога «Эккан арчаларингиз каби ҳамиша яшнаб туринг» дегим келди.

**Зуҳра ҚУРБОНОВА.**
Ромитан тумани.

# ЭЗГУЛИК ТАРК ЭТМАСИН СЕНИ, БУХОРО!

*Шаҳарга киришимиз билан юзлаб авлиёю амбиёлар, ўнлаб алломалар руҳи кезиб юрган Бухорои шарифга келишдан мақсадни тасаввуф илмининг бобокалони Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари мажмуасини зиёрат қилмасдан амалга ошириб бўлмаслигини тушундик. Давлатимиз раҳбарининг яқинда мазкур муқаддас қадамжога зиёратидан сўнг манзара тамомила ўзгариб, бу маскан ён-атрофи улкан қурилиш майдонига айланиб кетганди. Бир ёқда техника, бир томонда лойиҳачи-ю усталар, ишчи-ю ҳашарчилар қайта таъмирлаш ишларини жадал олиб борардилар. «Демак, «Обод маҳалла йили» энг азиз, энг табаррук, энг мўътабар жойларни обод қилишдан бошланибди-да», деган тасаввурга борамиз. Хоҳ шаҳар, хоҳ туман, хоҳ қишлоқ ёки маҳаллаларда бўлмайлик, ҳамма жойда ариқ-зовурлар тозаланаётгани, кўчалар тартибга келтирилаётгани, бир сўз билан айтганда ободончилик ишлари оммавий тус олганининг шоҳиди бўлдик. «Қиш - бекорчилик эмас», деганлари, гўё шу ҳудудга нисбатан айтилгандай. Суҳбатлардан шу нарса аён бўлдики, вилоят ҳокимининг «Агар йилимиз 365 кундан иборат бўлса, унинг ҳар бир куни ободончиликка йўналтирилиши керак» деган маслаҳати амалда қўлланилаётган экан.*

**Беҳбуд ЖУМАЕВ,**
**Бухоро вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси.**

## ОБОД МАСКАННИ ФИДОЙИ ИНСОНЛАР БАРПО ЭТАДИ

**Маҳалла - фуқаролик жамиятининг энг қуйи ҳудудий бирлиги, ўзини ўзи бошқариш мактаби, демократия дарсхонасидир.**

Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри ҳудуд аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шунингдек, кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишлар самарали амалга ошириладиган макон.

Маҳалла - аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг халқ ишонадиган адолатли йўли ва воситасидир. Муҳими - маҳалла орқали фаолият кўрсатишда адолат тамойили бузилмайди.

Айни пайтда вилоятимизда 370 га яқин қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатяпти. Бу - 1996 йилдагига нисбатан 140 та ортиқ, демакдир. Ушбу рақам вилоятда мустақиллигимиз шарофати билан қайта тикланиб келаётган маҳалла тизимига бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Йиғинларимизда халқ билан ҳамнафас бўлиб астойдил ишлаётган оқсоқолларимиз хизмати эътирофга лойиқ. Вобкент туманидаги Халач қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Юнус Рўзиев, Ғиждувон туманидаги Гавшун қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хумор Ҳамроева, Бухоро шаҳридаги Жубор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси (марҳум) Карим Ҳасанов, Жондор туманидаги Сепатта қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ислом Насуллаев ва бошқа ўнлаб фаолларимиз тизимни ривожлантиришга қўшаётган муносиб ҳиссалари учун ҳукуматимизнинг юксак унвонлари, орден ва медалларига сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан кейинги уч йилдан бери эълон қилинаётган «Энг обод маҳалла», «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловларида вилоятимиз маҳаллаларининг ҳам фаол иштироклари таъминланяпти. Ўтган йили ўтказилган «Энг обод маҳалла» кўрик-танловида Маҳмуд Мақсудов оқсоқоллик қилаётган Ғиждувон шаҳридаги Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини, «Маҳалла жонкуяри» кўрик-танловида эса Бухоро шаҳар Тўқимачилик туманидаги 10-сон маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Х.Жўраева, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловида Когон шаҳридаги Зиробод маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комил Комиловлар республика ғолиби бўлдилар.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, оилани ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари республикада биринчи бўлиб бизнинг вилоятимизда ташкил этилди. Бугун ана шундай марказлар Шофиркон, Вобкент, Жондор туманларида, Бухоро шаҳрида ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳаётда ўзини оқлаётган бундай марказларни «Обод маҳалла йили»да барча маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида ташкил этишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Йўлбошчимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган йиғилишдаги нутқларида миллий қадриятларимизни сохталаштиришга олиб келаётган, урф-одатлар ниқоби остида тўй-ҳашам ва маъракa-маросимларимизни катта дабдабаларга, базму жамшидларга айлантираётган айрим шахслар ва ҳолатлар хусусида батафсил тўхталиб ўтдилар. Афсуски, бизнинг маҳалларимизда ҳам ўтказилаётган баъзи тўю маъракаларида ана шундай нохуш ҳолатларга йўл қўйиляпти. Бу тўғрида биз оқсоқолларимиз ва фаолларимиз билан атрофлича, ишчанлик вазиятида фикрлашиб олдик. Ҳар бир туман ва шаҳарнинг ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тўй ва маъракаларни ўтказиш бўйича тадбирлар белгилаймиз. Бу ишларни амалга оширишда албатта, кенг жамоатчилик, депутатларимизнинг кўмакларига умид қиламиз.

Маълумки, етим-есирларни, якка-ёлғизларни, қариялар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш Президентимиз ва ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Ўтган йилнинг 11 ойида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали боласи 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаётган ишламайдиган оналарга 2 млрд. 205 млн. 873 минг, 16 ёшгача боласи бор оилаларга - 2.170 млн. 249 минг, кам таъминланган оилаларга 299 млн. 356 минг сўм тўланган.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлималари томонидан кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногиронлар, якка-ёлғизлар, пенсионерлар, 100 ёшдан ошганларга 13 млн. 783 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, ўқув дарсликлари хайрия сифатида тарқатилди. Бунда ҳомий корхона ва ташкилотларимиз кўмагига яқиндан таянган ҳолда иш кўрдик.

Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман Ширбудин қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан газ тўловлари бўйича ҳақ йиғиш натижасига кўра ўз ҳисобига қолдириладиган фойиз маблағларидан 1 миллион 146 минг сўм туширтириб, ўз ҳудудидаги кам таъминланган 190 та оила, боқувчисини йўқотган ва якка-ёлғиз кексаларнинг газдан бўлган қарзларини қоплашга эришди. Шунингдек, ушбу йўналиш бўйича Ғиждувон, Вобкент, Жондор, Қоракўл, Бухоро туманларидаги, Когон шаҳридаги маҳаллаларда ҳам самарали ишлар қилинмоқда.

Маҳаллаларда ишсизликни олдини олиш бўйича ҳали талайгина ишлар қилишга тўғри келади. Биринчидан, жойлардаги меҳнат бўлимлари, уларнинг меҳнат инспекторлари ўз вазифаларини тўла-тўкис бажармоқда, деб бўлмайди. Бу борада алоҳида жамоатчилик назоратини ўрнатиш гуруҳларини тузиш лозимга ўхшайди.

Дарҳақиқат, маҳалла улкан тарбия ўчоғи ҳамдир. Шундай экан, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, эндиликда давлат кўмагини янада кучайтириш, яъни маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Низомни қайтадан кўриб чиқиш, имкониятларни кенгайтириш, биринчи галда маҳалланинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳамма бирдек бош қотириши, қаттиқ ишлаши талаб этилади.

Маҳалла тизим сифатида кенгайиши, унинг фаолият доираси янада қамровли бўлиши тўғрисида Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шу боис ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат тузилмалари, маҳалла оқсоқоли ва фаолларини ўқитиш, малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бугун вилоятда маҳалла тизими ходимларининг ўқув марказини ташкил этиш устида ўйланмоқда.

Ўқув маркази, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда унинг Бухоро шаҳар бўлинмаси жойлашгалиган мажмуа қурилиши учун шаҳар марказидан жой ажратиб, бу иншоот «Обод маҳалла йили» дастурига киритилса нур устига аъло нур бўлур эди.

### Фармон ижроси билан кучли

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги 2100-сонли «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонининг ижроси доимий назоратда бўлиб келди ва бу борада шаҳар ҳокимлиги томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Шуни эътироф этиш керакки, Президентимиз томонидан имзоланган мазкур Фармон асосида зиммамиздаги масъулият ушбу «Обод маҳалла йили»да янада ошади.***

## МАСЪУЛИЯТДА ДАВОМИЙЛИК

Юқорида эслатиб ўтилганидек, Фармоннинг ижроси ни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала шаҳар ҳокимлигида бир неча марта кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги «Тўй комиссиялари»нинг фаолиятларини такомиллаштириш, ҳудудда ўтадиган ҳар бир тўй, маърака, маросимларни рўйхатга олиб, уларнинг ўтишини тартибга солиш чоралари кўрилди. Аҳолининг дабдабабозликлардан норозиликлари инобатга олиниб, турли салбий ҳодисалар рўй беришининг олдини олиш, номаъқул анъаналар ва одатларга айланиб бораётган ҳолатларга чек қўйиш, тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимларни тежамли ўтказиш ҳамда мутасаддиларнинг масъулиятини ошириш мақсадида шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилинди. Қарор асосида тўйларнинг кеч соат 23.00 да тугатилиши, шовқин-суронсиз ўтиши, никоҳни қайд этиш маросимларида 2 талан ортиқ автомашиналарнинг қатнашишига йўл қўймаслик каби қатъий талабларга амал қилинди.

Ҳозирги пайтда маҳаллаларга бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ўз ишларини ташкил қилишлари учун барча имкониятлар очиб берилган. Улар ҳашарлар уюштириш, оилавий низоларни бартараф этиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирганларга шароит яратиш, уларга амалий ёрдам бериш, маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, вояга етмаганлар тарбиясини назоратга олиш, хотин-қизларнинг шароитларини яхшилаш каби муҳим ишлар билан машғул. Ҳар бир маҳалла ўз маданий марказини яратишга интилмоқда.

Маҳаллалар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъмин этишда, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртбошимизнинг маҳалла борасидаги сиёсатлари икки муҳим вазифани ҳал этишни кўзда тутади.

Биринчиси, маънавий вазифа бўлиб, у халқимизнинг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналарини, қадриятларини қайтадан тиклаш ва ривожлантириш; иккинчиси эса, сиёсий вазифа бўлиб, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари зиммасига юкланган кўпгина вазифа ва ҳуқуқларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, яъни маҳаллаларга бериб, шу тариқа жамиятимиз ҳаётини демократиялашда янги ва жуда муҳим имкониятларга эришишдан иборат.

Маҳалла соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Кексаларнинг панд-насиҳати, шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги орқали кишилар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради.

Бугунги кунда жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталикка ёт кўз билан қараётган, турли диний оқимлар сифатида кишилар онгига суқилиб киришга, улар орасида нифоқ солаётган кучларга қарши курашда ҳам маҳаллаларда катта имкониятлар мавжуд. Ана шу ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб имкониятларни амалда ишга солиш «Обод маҳалла йили»даги энг долзарб вазифага айлансагина кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин.

**Абера ҲУСЕЙНОВА,**
**Бухоро шаҳар ҳокими ўринбосари.**

***Бўлинмамиз учун «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла» хайрия жамғармаси тўғрисида»ги Фармони ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги тамойилларга асосан кам таъминланган қатлам ва кўп болали эҳтиёжманд оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича бажарилган ишларни сарҳисоб қиладиган вақт келди.***

**Бобокул НАСРИДДИНОВ,**
**Пешку тумани Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси.**

## ЯХШИЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ

Яқинда Малшояк маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан 55 нафар отахон-у онахонларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. 100 ва 100 ёшдан ошган қарияларимиз ҳар бирининг уйида бўлинди ва ҳомийлар совғалари топширилди.

Ногиронлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда эса 234 минг сўмлик миқдорида ёрдам берилди.

Маҳаллаларда вояга етмаган болаларнинг тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда: уларнинг юриш-туриши, нималар билан шуғулланишлари йиғин раислари ва уларнинг вакиллари орқали назоратга олинган. Ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда ҳар бир маҳаллада оқсоқоллардан иборат гуруҳлар тузилди. Бу гуруҳ вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси турли давлат, нодавлат ташкилот, жамғармалар билан ҳамкорликда 20 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари суннат тўйини эсда қоларли тарзда ўтказиб берди.

«Маҳалла» жамғармаси томонидан 40 нафар вояга етмаган ногирон болалар оилаларига ун тарқатилди. 2 нафарига ногиронлар аравачаси ва 3 нафарига эса эшитиш мосламаси бепул берилди.

«Футболимиз келажаги» совғини учун маҳаллалар ўртасида туман биринчилиги ўтказилди.

Мусобақаларда 11-12 ва 14-15 ёшдаги ўсмирлар иштирок этди. Натижада Малшояк маҳалласи биринчи ўринни эгаллади. Мазкур жамоа вилоят биринчилиги учун бўладиган мусобақада иштирок этиб 5-ўринга лойиқ кўрилди.

Қисқа қилиб айтганда, «Обод маҳалла йили»да Юртбошимиз зиммамизга юклаган масъулиятли вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш учун кенг жамоатчиликка таянган ҳолда барча имкониятлардан фойдаланиш ниятидамиз.

***Ўтган йил давомида бўлимга 1400 нафарга яқин фуқаро иш сўраб мурожаат қилган бўлса, улардан 1200 нафари турли корхона, ташкилотларга ишга жойлаштирилди.***

Долзарб мавзу

## ИШСИЗЛАР КАМАЙМОҚДА

Ишсиз деб эътироф этилган кишилардан 189 нафари мутасадди ташкилотлар билан тузилган шартнома асосида «Усто-шогирд» усулида қайта ўқишга юборилди.

Туман ҳокимининг «Ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган фуқароларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, корхона ва ташкилотлар томонидан 384 та квоталашган иш ўринлари яратилиши ҳисобидан фуқароларни ишга жойлаштириш режалаштирилган эди. Шунга кўра, 156 нафар ишсиз юқоридаги ўринларга ишга жойлаштирилди.

Бўлимимиз «Усто-шогирд» усулида ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш ҳамда малакасини ошириш бўйича 11 та кичик корхона билан шартнома тузиб, 189 нафар кишини касбий таълимга юборди. Шунингдек, 28 нафар ишсиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 5 нафари «Омад» ҳиссадорлик жамиятига, 3 нафари кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга хизмат кўрсатиш учун ва 15 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

Ҳозирги даврда вояга етмаган ёшларни билимли, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда ҳар хил норасмий диний оқимлар таркибига кириб қолиш ҳолларининг олдини олиш, шунингдек ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Меҳнат бўлими томонидан ўтган йилда ишсиз юрган фуқароларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 7 маротаба меҳнат бозори ярмаркаси ўтказилди. Ушбу ярмаркаларга 816 нафар киши жалб қилинди, иш сўраб мурожаат қилган 600 нафар фуқародан 382 нафарига ишга кириш учун йўлланма берилди. Улардан маълум қисми ўқитишга юборилди ҳамда маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Шунингдек, туман бўйича 1207 та янги иш ўрни яратилди. Уларнинг асосий қисми кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига тўғри келди. Янги иш ўринларини яратиш мақсадида 25 миллион сўм миқдорида икки йил муддатга кредит берилди.

Туманда хўжалик юритувчи субъектларни текшириш бўйича меҳнат бўлими томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ишчи кенгашининг 2002 йил иш режасига асосан 9 та корхона ва ташкилотда текшириш ўтказилиб, шундан 2 нафар корхона раҳбарига қонунда кўрсатилган тартибда маъмурий жазо чоралари қўлланилди, 7 нафарига эса камчиликларни бартараф этишга қаратилган ёзма кўрсатмалар берилди.

Ўйлаймизки, бўлимимиз ходимлари «Обод маҳалла йили»да ҳам янги иш ўринлари яратиш, ишсизлар сонини янада камайтириш юзасидан бор имкониятларни ишга солаверадилар.

**Н.БОЛТАБОЕВ,**
**Жондор туман ҳокимлиги Меҳнат бўлими бошлиғи.**

## КУТУБХОНА ТАҚДИРЛАНДИ.

***Олот туманидаги 24-тармоқ кутубхонаси ходими Зулфия Рўзиева ўтган йили кутубхоначилар ўртасида илк бор ўтказилган «Президент асарлари билимдони» кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаган эди.***

Танловнинг финал босқичига йўлланма олган кутубхоначи Тошкентдан ҳам яхши натижа билан қайтди. У Президент асарларидан тест топшириб, реферат ёзиш, асарларни шарҳлаш, китоблар кўргазмасини тайёрлаш шартлари бўйича юқори балл тўплаб, иккинчи ўринни қўлга киритди.

Зулфия меҳнат қилаётган мўъжазгина кутубхонага Президент асарлари совға қилинди, унинг ўзи эса пул мукофоти билан тақдирланди.

***Бухоро шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби ўқувчиларга тарих фанидан чуқурлаштирилган тарзда ўргатишга ихтисослаштирилган. Шу боисдан ҳам бу билим даргоҳининг «Мерос» гуруҳи тарих фанидан ўтказилган «Аждодларимиз меъроси» Республика кўрик-танловида ғолиблар сафидан ўрин олди.***

Ушбу саҳифани «Mahalla» нинг махсус мухбири Абдунаби МАННОПОВ тайёрлади.

## ПЕДАГОГ-ТАРБИЯЧИ ИШИНИ БИЛСА...

***Тошкент шаҳридаги А.Икромов туманида жойлашган Гузар маҳалласи 25 та кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, уларда 2220 хонадон истиқомат қилади. Аҳолининг кўпчилигини ёшлар ташкил этганлиги боис улар билан ишлаш асосий вазифалардан бири саналади.***

Педагог-тарбиячи Сергей Петаев аслида тренер. У маҳалла ёшларини спортга жалб этишда кўплаб ишларни амалга оширди. Спорт билан шуғулланган одам соғлом бўлади, гиёҳвандлик, жиноятчилик кўчаларига кириб қолмайди.

- Ўтган 2002 йилда маҳалламиздаги ёшлар ўртасида ҳеч қандай жиноятчилик ҳолати кузатилмаган, - деди мамнуният билан тарбиячи-педагог. - Аҳолини иш билан таъминлаш бу маҳаллада яхши йўлга қўйилган. Ҳафтанинг ҳар чоршанба кунида тумандаги «Меҳнат» биржасининг вакили ва юрист иштирокида суҳбат ва учрашув уюштирилади.

Маҳалланинг обод маконга айланишида тадбиркорларнинг ҳам хизмати катта. «Ануктаом» фирма раҳбари Акром Йўлдошхўжаев ва «Собитхожи» фирмаларининг саъй-ҳаракатлари билан бир неча кам таъминланган оилаларга узлуксиз равишда ёрдам бериб келинмоқда. «Маралик» сервиси болалар спортини ривожлантириш учун зарур асбоб-ускуналар беришни ўз зиммаларига олишган.

Маҳалладошлар ҳудудни обод масканга айлантириш учун ҳали ҳам кўплаб ишлар қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Яқинда маҳалла гузарини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

**Хусния ПАРДАЕВА.**

*«Эсимда, ўша йиллари отам қазо қилган, онам эса тиф касали билан оғриб, Марғилондаги шифохонада оғир аҳволда ётарди. Биз бир этак болалар маҳалла кишилари ҳашар қилиб қуриб берган уйда оч-юпун қолган эдик. Бир куни маҳалланинг оқсоқоли жума намозига келганларга қарата: «Аҳли жамоа, сизлар доим етим-есирларнинг бошини силаб келгансиз. Мана шу хонадоннинг болаларига ҳам қўлдан келганча ёрдам қилайлик» дедилар. Ўшандан сўнг ҳар куни уйимизга кимдир бир ҳовуч майиз, кимдир беш-олти дона туршак, ҳеч тополмагани эса танчамизга бир ҳокандоз чўғ ташлаб кетадиган бўлишди. Биз маҳалла аҳлининг меҳри-мурувватн остида улғайдик. Ўша оғир йилларда бу меҳр-мурувват мадад ва таскин бўлди»*

(Гавҳархоним суҳбатидан).

# «ОМОН БЎЛСИН МАҲАЛЛАДОШЛАРИМ»

**-дейди Ўзбекистон Халқ артисти Гавҳархоним Раҳимова.**

**«Ота-онамиз йўқлигини билдирмай, бизга юрагидан жой берган маҳаллани мен жуда муқаддас бир гўша деб биламан...»**

Тасодифларда қонуният бор...

Бу улкан оиланинг таркиб топиш қонунияти ҳам аслида ажойиб бир тасодиф билан боғлиқ. Кунлардан бир куни озар йигити ўзи ишлаётган завод томонидан зарур юмуш билан бир неча кунга Астраханга юборилади. Йигит топшириқни бажаргач, кўнгил очиш учун циркка киради. Томошахонадан чиқаётиб, шу ерлик бир киши билан сўзлашиб қолади. «Мусофир экансиз, ука, сизни бугун уйимизга олиб бориб меҳмон қиламан» дейди ҳалиги хушчақчақ киши ва дастурхон устида меҳмонни оила аъзоларига таништиради. Шу хонадонда бир бўйқиз ҳам бор эди. Хуллас шу куни озарбайжонлик йигит билан астраханлик қиз бир-бирини ёқтириб қолишади. Кўп ўтмай уларнинг тўйи бўлиб ўтади.

- Ота-онам тўйдан сўнг жуда бахтли яшашган экан, - дейди Гавҳархоним суҳбатни давом эттириб. - Бироқ ўша кезларда отамни Николай пошшога қарши фаолият юритганликда айблашиб ҳибсга оладилар ва Туркистон томонларга бир умрга сургун қиладилар. Аввал Тошкент, кейинчалик Қўқон турмасида сақлашади. Онамиз қўлида қизалоғи билан иккинчи фарзандига ҳомиладор экан. Бувимиз турма бошлиғига «Бу ёш оила фарзанд кутаяпти, шу яқин атрофда қўним топиб яшашига рухсат беринг», дейди. Турма бошлиғи рози бўлиб, бу юмушни марғилонлик ясовулбоши Диёр отага топширади. Диёр ота илгари каптарбоз эди. У ўзининг эски каптархонасини созлаб, суваб, ҳатто печка ўрнатиб жой қилиб беради. Кейинчалик маҳалла аҳли катта ҳашар уюштириб уй қуриб беришади. Отам қўли гул уста бўлган экан, кишиларнинг уйларидаги бутлаш, созлаш ишларини бажариб кетаверган. Маҳалладошлар отамни ўзбекчасига Артин (Артём исмлари -) ака, деб аташаркан. Отам очиққўнгил бўлгани учун уйимизда тез-тез меҳмондорчиликлар бўлиб турарди. Тошпўлат мингбоши, Сайидаликарвон, Йўлдош Охунбобоев кабилар бизникига келиб туришарди. Шундай кунларнинг бирида қўшни болалар менинг туғилганлигимни айтиб отамдан суюнчи сўрашади. Давра тўрида ўтирган Тошпўлат мингбоши «Артин ака, қизалоқ муборак. Мана, неча йиллардан бери маҳаллада яшаяпсиз, шу қизчанинг отини ўзбекча қилиб қўйсангизчи-а?» дейди ва ўша куниёқ менга Гавҳар деб исм беришади. Кейинчалик оиламиз анча кенгайди. Яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам бошдан кечирдик. Маҳалла аҳли бизни ҳеч вақт ўз ҳолимизга ташлаб қўймади. Доимо шафқат кўрсатди, меҳр-саховати билан ҳар биримизга паноҳ бўлди.

Ҳа, бу хонадонда ўсиб-улғайганларнинг аксарияти кейинчалик адабиёт ва санъат оламида довруг таратишди. Оиладаги катта қиз Амалия журналист эди. У эрк курашчиси Чўлпоннинг кўпгина асарларини рус тилига таржима қилди. Тамарахоним эса улуғ санъаткор бўлиб, дунёга танилди. Гавҳархоним ва Лизахонимлар ҳам санъат йўлидан бориб, эл-юрт эъзозига мушарраф бўлишди. Гавҳар Раҳимованинг санъатга кириб келиши ҳам бир тасодиф туфайли юз берганди. 1935 йилда Лутфихоним Саримсоқова янги тузилган «Дуторчилар» ансамблига бош бўлиб, Катта Фарғона канали меҳнатчиларига концерт қўйиш учун жўнаб кетади. Ўшанда Йўлдош Охунбобоев гармончилар ансамбли ташкил қилиш юзасидан Гавҳархонимга топшириқ беради.

- Ўша менинг мустақил равишда тузган илк ансамблим эди, - дея эслайди кекса санъаткор. - Шундан сўнг бирин-кетин турли ансамбллар саҳна юзини кўра бошлади. Энди ҳисоблаб кўрсам, иш фаолиятим давомида 25 та ансамблнинг ташкил этилишига бош қўшибман. Айниқса, «Хоразм», «Лазги», «Зебо Ғаниева» ансамбллари ҳалиҳануз эл орасида довруғ қозониб келаётир. Ҳамма ансамблар сафида менинг юздан ошиқ шогирдларим бор. Бу кун ёшим тўқсонлардан ошиб, ўтган умр йўлимга назар ташлар эканман, кўнглим ёришиб кетади. Мен бахтли аёлман. Бахтим шуки, Ўзбекистондек гўзал юртда туғилдим, шу юртнинг сахий, бағри кенг одамлари орасида вояга етдим, ўзбек ўғлони билан тақдиримни боғладим.

Гавҳар Раҳимова ўз сафдошлари Коммуна Исмоилова, Розия Каримова, Қумрихон Қодирова, Ойхон Ёқубова, Розия Қурбонова, Дилором Шерова, Меҳрихон Абдуллаевалар билан бирга иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт бригадаси тузиб, жангчиларимизга концерт қўйиш учун жўнаб кетишади.

Бу ҳақда Гавҳархоним шундай хотирлайди:

- Эсимда, уруш кетаётган кунлар эди. Бригадамиз билан жанг майдонида эндигина концерт қўямиз деб турсак, ҳаво ҳужуми бошланиб қолди. Шундоқ тепамиздан ўқлар визиллаб учарди. Кейин қаттиқ портлаш товушлари эшитилди. Беихтиёр қулоқларимизни бекитиб олдик. Қанчаям вақт ўтди, генерал ёнимизга келиб: «Бизнинг концертимиз тугади, қизлар, энди сизлар бошланглар» деди кулиб. Ўша кунларда ишимиз фақат концерт беришдан иборат эмасди. Ярадорларни хавфсиз жойларга ташиб, яраларини боғлашда санитарларга кўмаклашардик. Аскарлардан уйларига хат ёздириб олиб қайтардик. Кейинги гал боришимизда эса жавобларни уларга тарқатардик. Мен жангоҳларда концерт бераётган чоғларимизда қуй-қўшиқнинг қудратли кучини тушуниб етганман.

Урушдан кейинги йилларда Гавҳар Раҳимова ўзининг 26 нафар сафдоши билан Зебо Ғаниева номли жанговор ансамблни тузди. Бу ансамблнинг уруш кўрган ижрочилари фронт қўшиқларини куйлашиб ёш авлодга жанг хотираларини гўёки мусиқий тилда сўзлаб берарди.

Кекса санъаткор ўзи ташкил этган «Хоразм» ансамблида узоқ йиллар фаолият кўрсатди. Ўз устида тиним билмай ишлади, изланди, кўҳна қўшиқчилигимизга замонавий руҳ бахш этди. Бу давр ичида элга танилди, обрў топди. Меҳнатлари эвазига кўксига ордену нишонлар қадалди. Элнинг олқиши эса энг юксак мукофот сифатида бир умр санъаткорга куч-қувват ва илҳом бағишлаб турди.

- Қутлуғ ёшларида ҳам аямиз тиниб-тинчимайдилар, - дейди кекса санъаткор яшаётган Ўзгариш маҳалласи хотин-қизлар кенгашининг раиси Матлуба Шукурова. - Маҳалламиздаги хайрли, эзгу ишларга ўзлари бош-қош. Яна бир фазилатлари бор. Маҳалламиздаги ҳар бир ўспиринни «болам» дейдилар. Албатта шунчаки эмас. Уларни ёнларига чақириб, нимага қизиқишини, келажак орзуларини сўраб-суриштиради, шунга қараб аниқ маслаҳат берадилар. Ҳатто ўтган йиллар ичида аямиз кўплаб «тарбияси оғир» болаларнинг ҳаётини изга солишда астойдил жон куйдириб, амалий чоралар кўрдилар. Яқинда учрашганимизда аямиз «Эшитдингларми, кейинги йил «Обод маҳалла йили» экан, маҳалла ҳаётида янаям улкан ўзгаришлар бўларкан-да. Қандоқ яхши!» дедилар ҳаяжонланиб. Биз ҳам уларнинг қувончларига шерик бўлдик. Маҳалламиз аҳли Гавҳар Раҳимова номли болалар студиясини очиш ташаббуси билан чиқишган. Бу студия ҳадемай маҳалла болаларининг энг севимли масканига айланиши шубҳасиз.

Санъаткор ўз ҳаёт йўли ҳақида ғурур билан сўзлайди:

- Мен санъатда ҳам, оилада ҳам тўкис бахтга эришдим. Юзлаб, минглаб қўшиқ ва рақсларим билан мухлисларим юрагидан жой олдим. Турмуш ўртоғим билан узоқ йиллар аҳил яшаб, ўғил-қизларни тарбияладик.

Ўзбекистон халқ артисти, кўплаб нишон ва орденлар соҳибаси Гавҳар Раҳимова катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бу йўл жамики машаққат ва қувончлари билан улуғ бир халқнинг юрагига бориб уланади. «Мен ўз тақдиримни киндик қоним тўкилган шу юртнинг тақдири билан боғладим, шу юртнинг чиройи қалбимга илҳом завқини солди, шу юртнинг азамат халқи мени санъаткор даражасига етказди. Мен ўзбек халқи билан фахрланаман. То сўнгги нафасимга қадар ўзимни шу юртнинг фарзанди деб биламан!»

Бу Гавҳархонимнинг ўзбек элига ва бугунги ёруғ кунларга шукронасидир.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

## Олам турфа

### СУМКА-ТЕЛЕФОН

*Амстердамлик дизайнчилар аёллар учун совға хозирлашди.*

Улар тайёрлашган сўнгги модадаги сумканинг яна бир қимматли жиҳати бор. Бу сумкаларга телефон ўрнатилган. Омади чопмаган хотин-қизлар энди бемалол кўчада, ошхонада, ҳатто тарнспортда ҳам ўз дугоналари билан «сирлашиш» имконига эга бўлишди.

### ЎСИМЛИКЛАР БИЛАН ГАПЛАША ОЛАДИ

*Италиялик ихтирочи Валерио Санфо ғаройиб асбоб ясади. Унинг бу асбоби ўсимликлар билан бемалол гаплаша олади.*

Бунинг учун Санфо ўз қурилмасининг электродларини ўсимликларга улайди. Шунда қурилма ўсимлик танасидан «шифрланган овоз»ларни қабул қилади ва тезда таржима қилади. Маълум бўлишича, ўсимликлар ҳам «иссиқ», «совуқ», «ташнаман» каби тушунчаларни ўз «тиллари»да баён қилар экан. Буни Милан дорилфунунининг таниқли ботаниги Клавдио Лонго ҳам тасдиқлайди. Унинг фикрича, ўсимликлар ўзига хос чирсиллаган товуш чиқаради. Бу хилдаги чирсиллашлар эса юқоридаги каби маъноларни кашф этади.

### ШИША-Ю ОЙНА БАРИ ЁНАДИ

*Шишанинг ёнганини ҳеч кўрганмисиз? Йўқ, деб жавоб беришингиз тайин, ҳатто эшитмагансиз ҳам.*

Фақат эритиб ундан у-бу нарса тайёрланишини кўрганмиз ёки эшитганмиз холос. Лекин Ҳиндистоннинг Райпур шаҳрида яшовчи Жамрал Баба Нкартаман шишаларни бемалол ёндиради.

Гап шундаки, у рангсиз суюқлик яратган. Уни шиша ё ойна устига сепиб, гугурт чақилса бўлди, куйиб кулга айланади.

Жамрал ўша суюқлигини кўпсонли томошабинлар орасида ва телевидение гувоҳлигида синовдан ўтказган.

Наманган вилояти

## ХЎЖАЛИКДА СПОРТ МАРКАЗИ

У ҳозирча қурилмоқда

***Чортоқ туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги» ширкат хўжалиги раиси икки йилдан бери вилоятда биринчилардан бўлиб пахта, ғалла, пилла етиштириш режаларини ошириб бажариб келмоқда.***

Ўтган йилда ҳам хўжалик ҳар гектаридан 75 центнердан ғалла ҳосили етиштириб, вилоят ҳокимлиги томонидан «Тико» автомашинаси билан мукофотланди. Туманда биринчи бўлиб ширкат хўжалиги раиси Азимжон Кўпаевнинг саъй-ҳаракати билан ширкат хўжалигида спорт маркази қурилиши бошланди.

Спорт марказида теннис ўйинғоҳи, чўмилиш ҳавзаси, бокс, каратэ билан шуғулланиш хоналари барпо этилмоқда.

Б.Ҳошимов, Х.Беков, Т.Сайфиев каби қурувчилар қурилиш лойиҳаси 75 миллион сўм атрофида бўлган бу спорт марказида икки сменада қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

**Т.ҲАМЗАЕВ.**
**Кўроскон қишлоғи.**

МДҲ чемпионлари кубоги баҳсларида

## «ПАХТАКОР» КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

***Футбол ишқибозлари янги йилнинг дастлабки ойида Москвада МДҲ чемпионлари кубоги баҳслари ўтказилишини яхши билишади. Бу йилги мусобақага ФИФА президенти Йозеф Блаттер ва машҳур футбол юлдузи Мишель Платини ташриф буюрди.***

Авваллари ушбу турнир нафақат собиқ қардош республикалар вакилларининг ўзаро куч синашиши ва янги мавсум олдидан футбол осмонида янги юлдузларни кашф этиш учун, балки Россия ва Украина чемпионларидан ким кучлироқ эканини аниқлаш мақсадида ташкил этилиши ҳеч ким учун сир эмас эди. Ҳозиргача МДҲ чемпионлари кубогини фақат «Спартак» (Москва) ва «Динамо» (Киев) қўлга киритган холос. Аммо, тақдир тақозоси билан 2002 йили спартакчилар ҳам, Киев динамочилари ҳам ўз миллий чемпионатларида ғалаба қозона олишмади. Россия чемпиони Локомотив бу баҳсга ўринбосарларни йўллади. Ўз навбатида, «Локомотив» (Москва) МДҲ чемпионлари билан ўйнагани ўринбосарларини йўллади.

Ғолибликка асосий даъвогарлардан бири саналган жанговар таркиб билан келган Украина чемпиони Донецкнинг «Шахтёр» «Пахтакор»нинг дастлабки рақиби бўлди. Сўнгги йилларда «Шахтёр» президенти Ринат Аҳмедов Донбассда куч ва маблағни аямаяпти. Европа майдонларида рақобатбардош жамоа тузиш учун жаҳон чемпионатида иштирок этган нигериялик Окронкво ва Агахова, сенегаллик Ндиай каби футбол усталари жалб этилди. Команданинг бир қатор вакиллари миллий терма жамоа шарафини ҳимоя қилишади. «Шахтёр» сардори Тимошчук 2002 йил якунларига кўра Украинанинг энг кучли футболчиси деб топилди. Италиялик Невио Скала раҳбарлигида ўтган йили «Шахтёр» мамлакат кубоги ва чемпионликни киевликлардан тортиб олгани диққатга сазовор. Донецкликлар Европа чемпионлар лигаси баҳсларида тажриба орттиришган. Хуллас, мана шундай кучли рақиб билан баҳс «Пахтакор»нинг ғалабаси билан якунлангани мусобақанинг дастлабки куни қайд этилган энг катта кутилмаган воқеа сифатида баҳоланди.

Москвага ташриф буюрган Украина миллий терма жамоаси бош мураббийи Леонид Буряк охир-оқибат ҳафсаласи пир бўлишини кутмаган эди.

Учрашув якунланишига 3-4 дақиқа қолганда таркибда пайдо бўлган 17 ёшли Марат Бикмаевнинг биринчи зарбасиёқ рақиб дарвозасини ишғол қилиш билан якунланди. Муваффақиятдан руҳланган Маратнинг навбатдаги ҳужум вақтидаги жарима майдони томон ташланишини эса донецклик тажрибали ҳимоячилар ўйин қоидасини бузибгина тўхтата олишди. «Пахтакор»нинг энг тажрибали ўйинчиси Миржалол Қосимов қўполлик учун ўзига хос усулда муносиб жазо берди ва иккинчи гол муаллифига айланди.

Гуруҳдаги иккинчи рақибимиз Озарбайжон ёшлар терма командаси экани кўпчиликни ҳайрон қолдирган бўлса керак. Қисқа изоҳ: Европада фақат иккита давлатдагина миллий чемпионат ўтказилмайди. Қичкинагина Лихтенштейнда ва Озарбайжонда. Озарбайжонда футбол командаларидан бир нечтаси мамлакат футбол федерацияси раҳбарияти тутган йўлга норозилик рамзи сифатида чемпионатда иштирок этишдан бош тортишган. Шу туфайли миллий чемпионат якунланмай қолиб кетди ва Озарбайжон ёшлар терма командасини юбориш ғояси туғилди. Ташкилотчилар команданинг мусобақада конкурсдан ташқари иштирок этишига кўнишди.

Бизникилар учун ўйин ўзига хос машғулот вазифасини ўтади. Дуранг ҳар икки томонни ҳам ранжитмади. «Шахтёр» ва Литванинг «Каунас» клуби ҳам дуранг натижани қайд этишди. Бу эса, охирги тур натижасидан қатъи назар, «Пахтакор» МДҲ чемпионлар кубоги чорак финалига йўлланмани муддатидан аввал қўлга киритганини англатди.

Ндиайе, Окоронкво, Агахова ва уларнинг номдор жамоадошлари Россия ва Украинада чоп этиладиган газеталарга берган интервьюларида пахтакорчиларнинг юксак интизом ва маҳорат намойиш этишгани, қулай вазиятлардан самарали фойдаланишгани, дарвозабон Нестеровнинг ажойиб ўйини ҳамда Қосимовнинг истеъдодини алоҳида таъкидлашган. Бу жамоа турнирда баланд кўтарилиш имкониятига эга эканини эътироф этишган.

«Пахтакор» чорак финалда «Д» гуруҳи вакили билан куч синашиши маълум. Аммо қайси жамоа билан рўбарў келиши сўнгги тур учрашувларига боғлиқ. Дастлабки икки ўйинни йирик ҳисобдаги ғалабалар билан якунлаган «Шериф» гуруҳ ғолибига айланди.

Марказий учрашувлардан бири сифатида эътироф этилган Москванинг «Локомотив» ва Кутаисининг «Торпедо» жамоалари ўртасидаги учрашув 2:2 ҳисобида дуранг билан якунланди.

Демак, 22 январь куни Москвадаги «Олимпийский» спорт комплексида МДҲ чемпионлари кубогининг чорак финал учрашувлари ўтказилади. 24 январда ярим финаллар, орадан яна икки кун ўтгач финалга гувоҳ бўламиз.

**Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.**

Яшириб нима қилдик...

# «ДОМ»ЛАРДАГИ «ХИЗМАТХОНА»ЛАР...

### Бу иллат бизнинг ҳаётимизга қандай кириб келди?

***Уларнинг ҳар бири рўзғорнинг фариштаси бўлишга арзийди. Ишонинг, уларнинг шундай нопок йўлга киришганликларига сира-сира ақл бовар қилмайди.***

Ўйлаб қоласан киши. Наҳотки, балои нафс деб гулдек умрини сўндирса, ҳатто номусини пулласа бу қизлар. Дунёнинг аччиқ-чучугини татиган баъзи бировлар дўзах азобларидан сира чўчимай уларга ўзига хос «мурувват» кўрсатишса. Холаю аммалар ўз ота-оналари, гулдек болалари оғзига ҳаромдан, қўшмачиликдан топилган луқмани тутсалар. Нима ҳам дердик. Уларга ҳам боққан бало... жазо бордир, ахир.

**Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Маҳаллада тадбир

## ФАХРИЙЛАР МАТОНАТИ ЁШЛАРГА ИБРАТ

**Тошкент шаҳри А.Икромов туманидаги Боғистон маҳалласида кексалар ва ёшлар иштирокида тадбир ўтказилди.**

Тадбирга иккинчи жаҳон уруши фахрийлари таклиф қилиниб, уларга алоҳида иззат-икром, эътибор кўрсатилди. Фахрийларни туман ҳарбий комиссари, полковник Муҳаммаджон Раҳимов ва туман «Нуроний» жамғармаси раиси Раҳим Нозировлар қизғин табриклашди. Маҳалла кенгаши томонидан ҳозирланган совғаларни шу маҳаллада яшовчи Қаҳрамон она Салтанат Сидиқова топширди.

Тадбирни ўтказишда шу маҳалла оқсоқоли Қодир Қурбонбоевнинг ташаббускорлиги айниқса кўл келди. Энг муҳими, бу тадбир Ватан ҳимоясига отланиб турган маҳалла ёшларида Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат ҳиссиларини мустаҳкамлаб уларга шижоат ва матонат бахш этганига шубҳамиз йўқ.

**А.ТОШБОБОЕВ**

Орамиздаги фидойилар

# ВОЛОНТЁРЛАР...

***Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ташкил топганига гарчанд 77 йилдан ошган бўлса-да, бироқ баъзиларимиз ва унинг фидойи ходимлари фаолияти ҳақида тўла тасаввурга эга эмасмиз, десак тўғри бўлар.***

Аслини олганда жамият таркибида фуқаролар манфаатини биринчи ўринга қўйиб, уларга бегараз ёрдам кўрсатувчи кўнгиллилар, янаям аниқроқ айтсак, фидойилар ишлашади.

Яқинда, БМТ кўнгиллилари, «Япон фидойилари - халқаро ҳамкорликда» ташкилоти, Қизил Ярим Ой жамияти ва «Работ-Малик» саёҳатчилар уюшмаси Тошкент шаҳри ва вилоятининг бир неча жойларида «Ногирон аёллар ва болалар» марказида кўнгиллилар ва ушбу марказ жамоаси билан биргаликда 35 нафар ўғил-қизга тушлик ташкил қилдилар. Ногиронлик аравачаларининг эркин ҳаракатланиши учун махсус мосламалар ясаб бердилар. Марказ жамоаси учун эса хоналар таъмирланди, дастурхон тузалди. Чунки кўнгиллилар орасида меъмор ва ошпазлик касбидаги кишилар етарли эди.

*Хорижлик кўнгиллилар Чотқол боғида ниҳол қадашмоқда*

Шунингдек, улар саъй-ҳаракати билан иккита болалар уйи ва битта болалар шифохонасида кўнгилочар дастурлар намойиш этилди. Қисқаси, фақат пойтахтимизнинг ўзида 850 нафар ўғил-қизга мурувват кўрсатилди.

- Тоғлиқ қишлоқларда кутилмаганда табиий офатлар содир бўлади, - дейди Угам-Чотқол миллий боғи директори Абдукарим Абдужалилов, - Айниқса, қаттиқ ёмғир ёки сел ёғиши натижасида хавфли вазият пайдо бўлади. Унинг олдини олиш учун энг яхши чора эса ниҳолларни кўпайтиришдир. Ўтган йили биз кўнгиллиларга ёрдам беришларини сўраб мурожаат этган эдик. Улар бажонидил розилик беришди ва биринчи қор ёққунга қадар белгиланган 100000 ўрнига, сал кам 121 минг туп дарахт экиб бўлинди.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Лекин бизнингча, юқорида санаб ўтилган хайрли ишлардан ҳам кўнгиллилар фаолияти тўғрисида маълум хулосага келиш мумкин...

**А.ЖАББОРОВ**

## НАФАҚА ҲАНГОМАСИ

Маҳаллада Маҳкам ака исмли хушфеъл, содда ва дилкаш киши яшарди. Бир умр косибчилик қилиб рўзғор тебратган. У баъзан оз-оздан вино ичарди. Ҳусниддин исмли қувноқ, ҳазилкаш дўкон мудири бир куни Маҳкам акани гапга тутиб: «Кимсан - Маҳкам бойваччасиз, ёшингиз олтмишдан ошса ҳам давлатдан нафақа олмайсиз. Тенгқурларингиз катта-катта нафақа олиб, даврон суряпти» дебди. Маҳкам ака эса «Ахир, мен давлат ишида бир кун ҳам ишламаган бўлсам, ким беради менга нафақани? деб елка қисибди. «Нафақачилар ичида ишламаганлари ҳам бор, йўлини топиб давлатдан пул ундиришяпти. Сиз ҳам бирор чорасини қилинг. Кимсан Ғафур Ғуломдек ошнангиз бор, ҳузурларига боринг, дардингизни айтинг, албатта ёрдам қиладилар», - дебди. Бу маслаҳатдан хурсанд бўлган Маҳкам ака тонгда Ғафур аканинг хонадонига бориб, дардини айтибди.

« Маҳкамбой, - дебди шоир, - билишимча, сен ҳеч қаерда ишламагансан, пенсия учун эса стаж керак. Лоақал давлатга беш йил хизмат қилганингда, иложини қилардим». Бир оздан кейин ҳазиллашмоқчи бўптилар. «Ошна, хафа бўлма, миямга бир фикр келди. Сен ҳозироқ Ҳусниддинга бор. «Фуқаро Маҳкам ака шу дўконнинг фаол харидори сифатида 20 йилдан буён муттасил вино ичиб, дўкон планини бажаришга ҳисса қўшмоқда. Зотан 20 йиллик стажи бор» деган справка ёзиб берсин.»

Бўлажак «нафақахўр» оғзи қулоғида, бу гапни дўкон мудирига етказибди. Ўша кезлари онасининг панд-насиҳатларига қулоқ солган Маҳкам ака ичмай қўйган экан. Нақд харидордан жудо бўлган дўкон мудири справка беришга бироз нозланган, Ғафур аканинг илтимосини бажарибди. Маълумотномани олган Ғафур ака, «Пенсия учун 20 йил камлик қиларкан, Ҳусниддин яна беш йил қўшиб берсин», дея Маҳкам акани яна дўконга жўнатибдилар. Ҳусниддин эса: «Мен кўзбўямачилик қилолмайман, яна беш йил ичсангиз, стажни 25 йил қилиб ёзаман» дебди. Маҳкам ака нима қилсин, ичай деса, она норози, ичмай деса, нафақадан қуруқ қолади. Ўйлаб-ўйлаб, онасига маслаҳат солибди. Онаизор эмасми... «Майли, болам, қариганингда нафақасиз қолма, дўст-душман ичида бошинг эгилмасин, беш йил бир пасда ўтади-кетади, оз-оздан ичақол» дебди. Маҳкам ака ўзида йўқ хурсанд, яна кунига кайф-сафо қиладиган бўлибди, Ҳусниддин ҳам ичувчилар кўпайганидан мамнун. Бу хабарни эшитган Ғафур ака: «Эҳ, нодон, одамлар-а» деб бу ҳазил эканлигини тушунтирибдилар...

**Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги олдидан**

# Ғафур аканинг ҳазиллари

*Маълумки, Ғафур ака кўп йиллар Тошкентнинг Себзор дахасидаги Қадиобод маҳалласида яшаганлар. Тўй-ҳашамлар, гап-гаштаклар, маъракалар шоирсиз ўтмасди. Ғафур ака бор жойда ўйин-кулги, аския ва ҳазил-мутойибалар авжига чиқарди. Шоирнинг аксарият сарғузаштлари Қадиобод маҳалласи билан боғлиқ. Куйида ана шу воқеалардан айримлари билан таништиришингиз мумкин.*

## БЕМИННАТ ХОТИН...

Ғафур аканинг мазкур маҳаллада орттирган яқин дўстларидан бири Неъматилла бойвачча эди.

Унинг Талъат исмли ёлғиз ўғли бўларди. Худди отасидек кичик жуссали, билимдон, шоир табиат, ҳамиша ҳозиржавоб, дангалчи бу йигитни Ғафур ака хуш кўрар, кўпинча ҳазиллашиб, жиғига тегар, унинг гапларидан ҳузурланардилар. У ғоят нозик табиатли бўлгани учун узоқ йиллар давомида уйланмади. Яқинлари унга келин топаман деб чарчашганди. Ғафур ака ҳам бир неча бор қиз топганлар, лекин номзодлар ҳар гал Талъатга ёқмаган.

Бир куни Талъат, мен Ғафур аканинг Арпапоядаги ҳовлиларида учрашдик. Одатдаги ҳазил-ҳузулдан сўнг, «куёв бола» жиддий тортиб адибга шаҳардаги бообрў амалдорнинг қизини ёқтириб қолгани, қиз ҳам рози эканлигини айтди. «Фақат Ғафур ака каби обрўэътиборли одам совчилик қилса, ота-онам кўнади» дебди қиз. Шунда шоир: «Майли, даданг ҳурмати, совчилик қиламан. Лекин, сен катта дорга осилибсан. Қизнинг отаси бой-бадавлат ва юқори мартабали киши, кўниши қийин бўлар-ов», - дедилар. Орадан бир ҳафта ўтгач, мен бир иш билан Ғафур аканикига борсам, Талъат ҳам шу ерда экан. Устоз бўлғуси қудани зўрға кўндиргани, қизнинг ғоят лобар, гўзал эканини мақтаб қолдилар. «Аммо, бир локини бор, қудалар бўлғуси куёвни кўрмоқчилар. Талъат, учрашувга бўйнингни бироз чўзиб борасан-да», дея ҳазиллашдилар. Йигит бу хабардан қувониб кетса керак, деб ўйлагандик. Бироқ, унинг жавобидан ҳаммамиз ҳангу манг бўлиб қолдик. Эмишким, у қиздан айнибди, ўтган ҳафта ичида бир аёл билан тил топишибди. Эридан ажрашиб бир боласи билан ота ҳовлисида яшаркан. Яқинда тўй бўлармиш.

Бу хабардан жаҳли чиққан Ғафур ака Муҳаррам опани чақирдилар ва Талъатни катта тошойна олдига боришини буюрдилар. У ўзини ойнага сола бошлади. «Муҳаррамхон! Мана бу ҳусни Юсуфга қаранг, совчилигимни йўққа чиқариб, бошқасини танлабди», дедилар. Шунда Талъат, «Аввалгиси, сиз айтганингиздек, миннатли, писандали бўларди, уй-рўзғор кўрган, синалган аёл вафодор бўлади» дея жавоб қайтарди.

«Ҳа, гапинг тўғри, писандали, миннатли, норғул қизни эплолмай мени ҳам шарманда қилардинг, қоч, ойнани хира қилма», дедилар Ғафур ака.

## ХАЛФА БУВАМГА САЛОМ АЙТИНГ...

Маҳалладаги тўй-маросимларнинг ўз жўрабошилари бўларди. Шулардан бири Аҳрор ака эдилар. Табиатан ўта қувноқ, шўх, дилкаш ва шоиртабиат бу кишини кўпинча кечқурун дўстлари йўқлатишарди. У йўқ пайтлари маҳалла гўё сув қуйгандек жим-жит бўларди. Кўчага чиқсалар, албатта кичик чилдирмаларини чалиб гоҳ ашула, гоҳ лапар, гоҳ айтишувлар айтардилар. Ғафур ака билан жуда ҳазилкаш эдилар.

Шоир қатнашган давра қизир, ашула устига ашула, лапар устига лапар ва аския авж оларди. Маҳалла аҳлининг телевизори ҳам, киноси ҳам, томошаси ҳам шундай қувноқ давралар эди.

Бир куни Аҳрор аканинг хасталаниб қолгани ҳақида хабар тарқалди. Ғафур ака дадам билан келишиб, бозор-ўчар қилиб, дўстларининг уйига ташриф буюришибди. Ҳовлидан юриб то уйга киргунларича, у кўрпа-тўшак қилиб олибди. Бир дақиқа илгари хиргойи қилиб турган инсон шунчалар ўзгаришига ҳайрон бўлган дўстлар Аҳрор акадан ҳол-аҳвол сўрашибди. «Ғафуржон, Маҳсум укам, аҳволим оғирлашиб боряпти, кун-соатим яқинлашганга ўхшайди, мендан бохабар бўлиб туринглар» дебди. Дадам ачиниб тасалли берибдилар. Ғафур ака эса «Энди, Аҳрор ака, олдин келган, олдин кетади, деган нақл бор, ёшингиз ҳам бир ерга бориб қолган. Шундай бўлса-да, Аллоҳ шифо берсин. Мободо вақти қазо етса, албатта Халфа бувамларга салом айтинг», дебдилар. (Халфа бува Аҳрор аканинг оталари бўлиб катта домла, мударрис бўлганлар). Бемор инқиллаб-синқиллаб жавоб қилибди: -Мулла Ғафур, аввало, ажал ёш танламайди. Зотан, саломингизни балким ўзингиз етказарсиз. Мабодо, мен рихлатга равона бўлсам, Халфа бувамга саломингизни албатта етказаман ва мендан кейин Ғафуржон ҳам тезда етиб келади, дейман».

Бу гапдан кейин Ғафур ака Аҳрор акани даст кўтариб олибдилар. Аҳрор ака улфатлар ҳазилини эшитмоқ учун жўрттага касал бўлганликларини тан олибдилар. Улар қалтис ҳазилдан роса масза қилиб кулишибди...

**Фатҳулла АБДУЛЛАЕВ, шарқшунос олим.**

## МУНАЖЖИМЛАР МАЪБИРИ

**КЎЙ (21.03-21.04)**

Шу кунларда сиз ҳамма ишда шиддаткор,шижоатлисиз. Мақсад сари интилувчанлик албатта яхши фазилат, лекин эҳтиёткорликни ва хушмуомилаликни ҳам унутманг.

**КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)**

Айни кунларда атрофингиздагиларнинг маслаҳатларига биноан иш тутсангиз асло ютқизмайсиз. Шу баҳона сизга хайриҳоҳ кишилар сони ҳам ортади.

**АРСЛОН (23.07-22.08)**

Барча тадбирларга улгуриш керак, қабилида иш тутиб, ўзингизни ортиқча қийнаманг. Қўшимча ишларни кейинга қолдириб, асосий вазифангизга киришинг.

**ПАРИЗОД(23.08-22.09)**

Сиз эса бир йўла бир нечта йўналишдаги муаммоларни ҳал этишга эришасиз. Бунда сизга айни кунларда сизга хос бўлган ишбилармонлик ёрдам беради.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10)**

Шу кунларда ўзингизни, ҳаракатларингизни четдан кузатиш имконияти бор бўлади. Камчиликларингизни тан олиб, хатоларни тузатиш фурсати етди.

**ЧАЁН (23.10-22.11)**

Оилангизга тегишли барча муаммоларни ўз зиммангизга олавериш ярамайди. Куч-ғайратингизни жамоат ишларига сарфланг, самараси аъло бўлади.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)**

Келаси чоршанбагача ўзингиздаги барча яхши фазилатларни намоён этиш учун қулай имкониятлар қўлингизда. Дам олиш кунларида оилавий тантана уюштиринг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)**

Молиявий жиҳатдан фойдали бўлган шартномаларни имзолаш арафасида бўлсангиз, бу ишларни тезлаштиришга ҳаракат қилинг. Акс ҳолда, кечикасиз.

**ҚОВҒА (20.01-18.02)**

Нақадар олийжаноб инсон эканлигингизни яна бир карра исботлаш учун барча шароитлар етарли. Одамлар манфаатини кўзлаш сизга катта обрў келтиради.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)**

Шу кунларда ҳамкасбларингизга ўз ишингизнинг устаси эканлигингизни яна бир бор намойиш этишга тўғри келади. Лекин ортиқча ишбилармонлик қилишдан сақланинг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)**

Туғилган кунингиз яқинлашаётгани боис кайфиятингиз аъло. Совғалар салмоғи кутилгандек бўлмаса ташвиш чекмайман, дея ўзингизга сўз беринг.

**СИГИР(22.0420.05)**

Айни кунларда кўнгилдаги турган муаммоларингизни қалтис муносабатлар билан эмас, чуқур таҳлил ва эҳтиёткорлик билан ижобий ҳал этишга эришасиз.

---

***Азиз муштарий! Ушбу мақола аллома асарлари ҳақида сизга фақат янги билим берувчи манба сифатидагина эмас, балки бугунги ҳаётий қарашларимизнинг теранлашишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.***

*** Термизийнинг адабий танқидшунослиги**
*** Шарҳда адолат зарур**
*** «Ҳаким» сўзининг маъноси**
*** Билиш ҳақида алломанинг фикри**

**Убайдулла УВАТОВ, шарқшунос олим.**

# АЛЛОМА «МЕНТАЛИТЕТИ»

## ёки ал-Ҳаким ат-Термизийнинг диний ва дунёвий қарашлари хусусида

Мисрлик олим шайх Абдуфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг ёзишича, юртдошимиз ал-Ҳаким ат-Термизий тўрт юздан ортиқ асарлар яратган бўлиб, улардан олтмишга яқини бизгача етиб келган. Термизий асарларини мазмун моҳиятига биноан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин. Бир туркум асарлари аллома томонидан илм толибларига ўқилган маърузалар, матнлар шаклида бўлса, бошқа бир туркум рисолаларни аллома турли-туман муносабатларга бағишлаб, ёинки ундан савол тарзида сўралган масалаларга жавоб, ўзига билдирилган эътирозларга раддия ёхуд бирон мураккаб, чигал масаланинг баёни ёинки дўсту биродарларига йўлланган мактублар ташкил қилган. Шу боисдан ҳам бу туркумга кирган рисолалар ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бутун умри давомидаги илмий-ижодий фаолиятининг ўсиши билан тадрижий равишда такомиллашиб борган дейиш мумкин. Алломанинг илмий-ижодий фаолиятини ўрганган тадқиқотчилар таъкидлаганларидек, ал-Ҳаким ат-Термизий асарларни таълиф ва тасниф этишда ўз даврида мавжуд бўлган йўлдан юрмади, балки у ўз диний қарашлари ва тасаввурларидан келиб чиқиб, ўзига хос бўлган алоҳида йўлни танлади. Бу йўл (баъзи араб олимлари бу йўлни ҳатто «мазҳаб» деб ҳам ёзганлар) ўша даврда бепоён ўлкаларгача бориб тарқалган (афсуски диннинг асл моҳиятини бузиб, залолатга ботган тоифалар кўпайган бир давр эди), ислом динининг ҳақиқий, асл моҳиятини тўғри талқин қиладиган ва жамият учун ғоятда муҳим ва фойдали йўл эди. Унинг учта йўналиши бўлиб, улар қандай эътиқодга мансуб бўлишидан қатъий назар фақат жамият манфаатларига, фақат инсоннинг маънавий камолотига хизмат қилиши билан умумбашарий аҳамият касб этганди.

Ақоид ва калом каби илмларга ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида алоҳида эътибор берилган. Аллома ўзининг ўткир илмий мулоҳазалари билан баъзи мутакаллимларнинг хато-камчиликларини очиб ташлаб, уларга нисбатан асосли, танқидий муносабатини билдирган. Ўзидан илгари ўтган тасаввуф олимларининг фаолияти ҳам у,нинг сергак назаридан четда қолмаган, албатта. У илгари сурган ғояларга кўра, энг яхши сифатлар - Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларни адолат билан шарҳлаш; фиқҳ масалаларига ғоятда мақбул, мантиқий нуқтаи назардан ёндошувчи кишилар - булар фақат мутасаввирлар, деган хулосага келади. Айни вақтда аллома бундай вазиятларда эҳтиросларга берилмай, бегараз, холисона йўл билан ёндошиш орқали исломга беминнат хизмат қилиш мумкин, деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, ал-Ҳаким ат-Термизий ўзининг ҳам Қуръони карим маъносини талқин қилиш, ҳадисларни шарҳлаш ва фиққий масалаларга амал қилишда тасаввуф йўлидан борганлигини таъкидлайди, тасаввуф йўли киши виждонига-қалбига ором берадиган ягона йўл деб изоҳлайди. Мана шу тарздаги таълимотларни яратган ҳазрат IX-X асрларнинг энг буюк диний олимларидан ва ислом дини таълимотларини илмий асосга таянган ҳолда янада чуқурроқ талқин қилувчи, шариатнинг дастлабки беназир арбобларидан бири сифатида бутун мусулмон оламида шуҳрат қозонди. Унинг Шом, Бағдод ва Мисрнинг мутасаввуф олимлари билан мулоқотлари ҳам ғоятда фойдали бўлиб, булар туфайли у биринчилардан бўлиб Ўрта Осиё тасаввуф илмини ҳар томонлама бойитиб, уни янада юксак погоналарга кўтарди. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўша пайтда Шарқ мамлакатларида мавжуд бўлган турли тариқатларнинг фаолиятидан воқиф бўлган, албатта. У айниқса Нишопурдаги маломатиййа тариқатидан кучли таъсирланди. Шу боисдан бўлса керак, бу тариқатнинг йўли кейинги асрларда Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан Абдухолиқ ал-Ғиждувоний ва Баҳоуддин ан-Нақшбанд каби машҳур мутасаввуфларнинг фаолиятига ҳам маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади.

Ат-Термизийнинг ал-Ҳаким тахаллуси билан аталиши масаласи олиму уламоларни азалдан қизиқтириб келган ва бу масалада турли фикрлар ҳам билдирилган. «Ҳаким» сўзининг тарихига назар солсак, бу ибора Қуръонда ҳам, Тавротда (Хохом шаклида) ҳам учрайди. Ҳакимнинг луғавий маъноси доно, донишманд, ақлидрокли, файласуф шунингдек, табиб, доктор тушунчаларини англатади. Шу сабабли баъзи олимлар уни ҳатто моҳир табиб деб ҳам атаганлар. Ат-Термизий яшаган давр истилоҳларига таяниб баён қилсак, ҳикмат (ҳакимдан олинган) ибораси ҳақиқатга етишиш (арабча исобат ал-ҳаққ)ни англатиб бунга илм ва ақл билан эришиш мумкин, деб изоҳланган. Ҳаким киши шундай шахски, у мукаммал ақл-идрок ва чуқур билим билан ҳар доим ҳақиқатга эришади. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўзининг «Таҳсийл назоир ал-Қуръон» номли асарида: «Ҳаким илмнинг ички, ботиний маъноларини тушунувчи киши» деган фикрни ҳам келтирган. Қуръони каримда «Мафотиҳ ал-ғайб» номли ўн беш жилдан иборат улкан тафсир ёзган буюк ватандошимиз Фахриддин ал-Розий (у 1209 йилда вафот этган) ҳикмат-мурод ёки илм, ёки савоб, яъни тўғри ишни қилишдир деб талқин қилган. Тасаввуф аҳли ҳам «ҳаким» сўзини шу мазмунда таъвил қилиб «ҳикмат» - илм (билим)дан юқорироқ даражада туради, «ҳаким» деб ҳар қандан илмни чуқурроқ ўзлаштирган кишига айтилади, чунки бу шарафли даражага узоқ машаққат ва риёзат орқали эришилади деб таъкидлайдилар. Доктор Усмон Исмоил Яҳёнинг фикрича, ат-Термизий «ҳаким» тахаллусига тасаввуфда инсон табиатини яхши ва чуқур тушуниб етгани учун эришди, деб ҳисоблайди (Муқаддима, 4-бет). Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ўзи эса ҳақиқатга етишишликда илм ва ақлдан бошқа яна бир учинчи - илоҳий бир нарса - валийлик ҳам бор, деган фикрни илгари суради. Ҳаким, унинг эътиқодича, валийнинг бир хилидир (арабча ал-ҳаким ҳува навъ мин ал-валий). Валий киши ҳақиқатга фақат чуқур илм ва катта ақл-идрок билан эмас, балки шунингдек, Аллоҳ таоло унга ато қилган бир илоҳий сир воситасида эришади, бинобарин, уни тугал ақл ва чуқур илм билан сийлаган ҳам Аллоҳнинг ўзидир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимотидаги муҳим масалалардан бири инсонда билиш (маърифа) ҳақидаги фикрларидир. Билиш учун махсус тузум (жиҳоз хос)га эга бўлиб, у тўртта асосий қисмдан иборатдир, дейди. Улардан биринчиси идрок этиш орқали бўлиб, улар инсондан ташқи бўлган ҳиссиётлар - билим, тажриба ва малака, уларни тушуниб идрок этиб улардан ўз фаолиятида фойдалана билиш. Бу тизимнинг фаолиятида кўз, қулоқ, тил каби аъзолар билан бир қаторда ташқи маълумотларни қабул қилиш, бунда инсоннинг зеҳни, фаҳму фаросати, қувваи-ҳофизаси катта рол ўйнайди. Яна бир хил воситалар борки - булар ҳаяжонланиш, ҳиссиётлар, шуур билан ҳолатларни (машъур) - улар жигар, талоқ, буйрак, шаҳват билан боғлиқдир. Иккинчи тизим инсонда бор билим воситасида амалга оширилади. Учинчи тизим ахлоқ масалалари билан уйғунлашиб амалга ошади; бу сўнгги иккаласи муштарак бўлса инсонда зийраклик, латофат, юксак салоҳият каби алоҳида фазилатлар ҳосил бўлади. Алломанинг ўзига хос бу фикрлари, шунингдек инсоннинг билишида унинг руҳияти, ақли ва қалби қандай рол ўйнаши ҳақидаги қарашлари тасаввуф аҳлининг руҳонияти ва тафаккурига катта таъсир кўрсатди. Инсон эришишга қодир бўлган билим - бу тасаввуфий маърифат ёки ҳикмат («гносис») деб, уни инсон қалбида тажалли бўлган илоҳий бир нур билан тенглаштирди. Чунончи шарийъатнинг турли масалаларини талқин қилиб, уни ҳаётга тадбиқ қилишга қодир бўлган билим (илм)дан фарқли ўлароқ маърифат (гносис) ўша нарсаларнинг яширинган (сирли) моҳиятини, охир-оқибатда унинг илоҳий моҳиятини англашга эришади. Агар илмга ўқиш, ўрганиш жараёнлари орқали эришилса, маърифатни эса Аллоҳ таоло бандаларига марҳамат қилади. Илмни ҳаётга татбиқ қилиш замони ва майдони (ҳудуди) бир қадар маҳдудий, чегараланган бўлса, маърифатнинг эса чеки-чегараси бўлмайди. Маърифат фақат руҳи ҳар қандай дунёвий, нафсоний мойилликлардан покиза бўлиб, бутун ниятию, фикри-зикри билан Аллоҳга таважжуҳ қилган инсонларгагина насиб этади. Мана шундай инсонлар тоифасига ал-Ҳаким ат-Термизий, энг аввало, суфий валийларни мансуб этади. Унинг фикрича, улар (валийлар) мана шу жиҳатлари - маърифатлари билан бошқа мўмин-мусулмонлардан ажралиб туради. Эҳтимолдан холи эмаски, ал-Ҳаким ат-Термизий биринчилардан бўлиб назарий жиҳатдан авлиёлар ҳақидаги тасаввуфий қарашларни асослаб, амалда ҳуқуқий жиҳатдан уларни Аллоҳнинг элчилари (русул) ва пайғамбарлари (анбиё) билан даражаларини тенглаштирган. Буюк аллома ўз замонасининг диний илмларидан ҳам, дунёвий илмларидан ҳам ҳар томонлама чуқур хабардор бўлиб, жуда кўп асарлар яратган. Унинг мукаммал илми ва беқиёс салоҳиятига кўпчилик алломалар юксак баҳо берганлар. Жумладан буюк мутафаккирлар Абдураҳмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида, Алишер Навоий «Насоим ул-муҳаббат» асарида уни энг улуғ шайхлар қаторида зикр қилганлар ва мутасаввуфларнинг иккинчи бўғинига киритганлар. Хожа Баҳоуддин ан-Нақшбанд ҳазратлари ҳам ал-Ҳаким ат-Термизий ҳақларида: «Азиз авлиёларнинг пешвоси Хожа Муҳаммад Ибн Али ал-Ҳаким ат-Тремизийнинг руҳониётига таважжуҳим тушганда, ҳар сафар менга таъриф ва тавсифдан холи тасаввуф намоён бўлади» - деб, унинг руҳоний оламидаги мартаба ва мақомларини алоҳида лутф билан таъриф этган эканлар.



*Дунёда ҳунарлар, ҳунарманд инсонлар кўп. Бухоролик Мурод Аҳмедов ҳам темирчилик ҳунарини ардоқлаб бахт ва обрў топган йигитлардан.*

**Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**


**Билмасангиз, билиб олинг!**

**Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган маҳсулоти туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.**

**Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги конунидан**


## ЯНГИСИДАН БОР

**-Айтчи, ёшликда қилган орзуларингдан бирортаси рўёбга ошганми?**

**-О, бўлмасам-чи.**

**Болалар билан калтаклашганимда нуқул сочимдан тортишарди.Ўшанда мен, қанийди кал бўлсам, дердим.**

Ҳусан СОДИҚОВ чизган.

**Рота командири янги келган аскарлардан сўраяпти:**

-Ким пиширишни билади?

-Мен.

-Яхши.Сиз бугундан ошпазсиз.

**Икки кундан сўнг рота командири қизиқди.**

-Сиз катта қозонларда ҳам бирор нима қайнатганмисиз?

-Бўлмасам-чи, ўртоқ командир, асфальт қайнатганман.


Mahalla -2003

- Яна нима деяпти?
- Ушбу мақолани ўқисангиз кўп нарсани билиб оласиз, - деяпти...



**Эълон**

«MUSHTARI SERVIS» хусусий фирмасига тегишли бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

2000 йил 19 августда Тошкент Молия институти томонидан Қаландаров Шерали Номозович номига берилган 210411 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**



Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Саҳифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ

Навбатчи: Абдусалим ТОШБОБОЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масъул котиб: 136-53-75, Хатлар бўлими: 136-57-62.

6600 нусхада чоп этилди.Буюртма Г-1126 Топширилди— 22.00